2015 ЙИЛ 13 МАРТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (12.874)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Кеча пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида «BankExpo–2015» банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари саккизинчи миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ХИЗМАТЛАР НАМОЙИШИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда банк тизими жадал ривожланди. Мижозларга кўрсатилаётган хизматлар яхшиланиб, уларнинг тури кенгайди. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган янги турдаги омонатлар ва кам фоизли кредитлар жорий этилмоқда. Соғлом рақобат муҳити шаклланиб, банкларимиз жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатаётир. Банкларимизнинг барқарор ривожланиб бораётгани нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳоннинг «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитчс рейтингс» каби нуфузли рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланди.

Мазкур кўргазманинг давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар доирасида ўтказилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Кўргазмага ташриф буюрганлар кредитлаш шартлари, механизмлари, банк-молия хизматлари кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан танишиш, мутахассислардан керакли маслаҳатларни олиш ва музокаралар ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Тижорат банклари кўргазмага ташриф буюрган аҳоли, тадбиркор ва ёшларга кўрсатилаётган янги хизматлар, хусусан, янги кредит ва депозит маҳсулотлари, умуман ўз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи тақдимот маросимларини ўтказдилар. IT компаниялари вакиллари томонидан банк маркетингининг янги йўналиши – лидогенерация, яъни мижозларни интернет орқали жалб этишнинг замонавий усуллари, мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни такомиллаштиришнинг янги услуби – CRM тизимини жорий этиш мавзуларида семинарлар уюштирилди.

Мамлакатимиз банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка молиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес ғояларини молиявий рағбатлантириш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиши ва бизнесини йўлга қўйишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу боис кўргазмада кичик бизнесни, жумладан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда банк тизими билан ҳамкорлик қилиб келаётган «Камолот» ЁИҲ, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам фаол қатнашди.

– Банклар томонидан тақдим этилаётган хизматлар билан ёшларимизнинг бевосита танишаётгани уларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини янада оширмоқда, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ходими Бахтиёр Мамадалиев. – Бугунги тадбирда улар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, банкдан ҳисоб рақам очиш, кредит олиш каби зарур маълумотларни олмоқдалар. Шу билан бирга, ўзлари учун яратилган имтиёз ва имкониятлар билан ҳам яқиндан танишмоқдалар.

Кўргазма доирасида банклар томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг иш билан бандликни таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи 200 дан ортиқ сертификатларни топшириш маросими ўтказилди.

Тадбиркорлик субъектлари ва банк мижозлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш билан бирга ўзаро тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси халқаро кузатувчилари Жиззах вилоятида бўлиб, Президент сайловига тайёргарлик жараёнининг бориши билан танишди.

● Хоразмда «Куйла, ёшлигим!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳаваскор хонандалар иштирок этди.

● Наманган шаҳрида бандлик дастури ижроси доирасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ЁИҲ Наманган шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юзга яқин хўжалик юритувчи субъект 460 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 150 нафар, жумладан, 100 га яқин ёшга ўз мутахассислиги, қизиқиш ва қобилиятига кўра корхона ва ташкилотларда доимий ишлаш учун йўлланма берилди.

● Поп тумани Янгиобод қишлоғида фойдаланишга топширилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда қишлоқ аҳли учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди. 484 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган марказда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, профессионал ва ҳаваскор бадиий жамоалар, айниқса, ёшларнинг самарали ижод қилиши, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилди.

● Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида усти ёпиқ мини-футбол майдони фойдаланишга топширилди. Ушбу стадион йилнинг исталган фаслида нафақат мини-футбол, балки қўл тўпи, кураш, стол тенниси, волейбол каби спорт турлари билан ҳам шуғулланиш учун кенг имконият яратади.

ЖАҲОНДА

● Венесуэла супермаркетларида камёб маҳсулотлар учун улкан талабнинг олдини олиш мақсадида харидорларнинг бармоқ изларини ўқийдиган 20 мингта махсус қурилма ўрнатилади. Мамлакат президенти Н.Мадуронинг сўзларига қараганда, бундай тизим маҳсулотларнинг етишмовчилиги ва уларга узун навбатлар муаммосини ҳал қилишга кўмаклашади.

● Америкалик тадқиқотчилар томонидан Франки лақабли ит устида яширин кўринишда кечаётган қалқонсимон без раки билан касалланганлар хасталигини ҳид орқали топиш юзасидан амалга оширилган тажрибалар муваффақиятли якунланди. Олимларнинг фикрича, ушбу натижалар ракка ташхис қўйишнинг янги усулларини ишлаб чиқишда қўл келиши мумкин.

● АҚШдаги йирик цирклардан бири ўзининг 50 йиллик анъаналарига чек қўйгани ҳолда 2018 йилгача филлар иштирокидаги номерлардан воз кечишга қарор қилди. Ушбу циркнинг The Ringling Brofhwrs and Barnum & Bailey номли бошқарув компаниясининг маълумотига қараганда, кўпчилик томошабинларга филларни аренада кўриш ноқулайликлар туғдираётганлиги сабабли шундай қилинмоқда.

Ўлкамизда Наврўз нафаси



14-15 март — умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади

Юртимизга сепини ёйиб, баҳор кириб келди. Табиат уйғонди. Ҳаммаёқда яшиллик барқ урмоқда. Дарахтлар гуллай бошлади. Наврўзи олам яқинлашмоқда.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Кўклам – она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ғанимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик!

Ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик! Шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик! Наврўзи оламни муносиб кутиб олайлик.

29 март — сайлов куни

МДҲ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

МДҲ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун раҳбарлигидаги МДҲ кузатувчиларининг узоқ муддатли миссияси гуруҳи Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ очиқ ва ошкора олиб борилаётган сайлов кампанияси билан таништирди.

МДҲ кузатувчилари миссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни ҳақида ахборот берилди. Номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар яратилгани таъкидланди.

МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун 12 мартдан Тошкентда миссиянинг штаби иш бошлади. Штаб фаолияти сайловни кузатиш билан боғлиқ зарур тадбирларни ташкил этади. Сайлов жараёни ва сайловолди ташвиқоти ҳақида материаллар тўплайди, уларни таҳлил қилади, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини мониторинг қилади, номзодларнинг сайлов штаблари ва сайлов комиссияларида учрашувлар ўтказади.

МДҲ кузатувчилари миссияси 2014 йилги парламент сайловини кузатиш натижалари бўйича Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг изчил такомиллаштирилаётгани очиқ, эркин ва демократик сайловларни ўтказиш учун зарур ҳуқуқий асос яратгани ҳақида баёнот берган эди. Учрашувда бу хулоса яна бир бор алоҳида таъкидланди. Парламент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари, амалдаги сайлов қонунчилиги ва умумэътироф этилган халқаро демократик ҳуқуқий нормаларга тўла мувофиқ равишда, кўппартиявийлик асосида очиқ ва ошкора ўтказилди ҳамда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши таъминланди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш МДҲ кузатувчилари миссияси учун масъулиятли вазифадир, – деди Владимир Гаркун. – Сайлов мониторинги сиёсий бетарафлик, сайлов жараёни ва давлатнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига мувофиқ амалга оширилади. МДҲ давлатларининг кузатувчилари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига юборилади ва бу сайлов жараёнини холис баҳолаш имконини беради. Миссия сайлов натижалари бўйича ўз баёнотини 30 март куни эълон қилади.

Учрашувда қузатувчилар миссияси аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, жумладан, сайлов куни овоз бериш хоналарида бўлиш ва овозларни санаб чиқишни кузатиш ҳуқуқини берадиган мандатлар топширилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Айни кунларда республикамизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК



— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида сайловни ўтказиш принциплари белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади, — дейди Миробод туманида жойлашган 162-участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Носир Абдураҳимов. — Сайловчилар билан сайловнинг мазмун-моҳияти, унинг мамлакат равнақи, аҳоли фаровонлигидаги ўрнини тушунтириш бўйича мунтазам равишда учрашув ва тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз.

Ушбу сайлов участкасида бўлганимизда сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганини кўрдик. Бу ерда сиёсий партиялар дастурлари ва партиялар нашрлари, сайловчилар рўйхати, Президентликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар тартиб билан жойлаштирилган. Номзодларни таништирувчи плакатлар ва улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар мавжуд. Сайлов участкаси замонавий алоқа воситалари, овоз бериш кабинаси, овоз бериш қутиси, шу билан бирга комиссия аъзоларининг фаолият юритиши учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт ва она-бола хоналари белгиланган талабларга мувофиқ дид билан жиҳозланган.

— Сайлов куни туманимиздаги «Ўзбекистон» ва Ат-Термизий маҳаллаларининг 2700 дан ортиқ аҳолиси ушбу сайлов участкасида элу юрт фаровонлиги ва ободлиги учун овоз беришади, — сўзида давом этади Носир Абдураҳимов. — Мамлакатимиз аҳолисининг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги тобора ортиб бораётгани бўлажак Президент сайлови арафасида янада яққол намоён бўлмоқда. Ҳар куни кўплаб сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан келишади. Кундалик матбуот хабарлари билан танишишади.

(Давоми 2-бетда)



САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайлов участкасида бир гуруҳ сайловчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг барчаси Президент сайловининг ўзаро ҳамжиҳатлик ва уюшқоқликда ўтишига ишонч билдиришди.

— 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида маҳалламиз аҳолиси сидқидилдан иштирок этиб, эртамизнинг бугунда обод ва нурафшон бўлиши учун овоз берадилар, — дейди «Ўзбекистон» маҳалласи фаоли Людмила Микловская. — 162-сайлов участкасига келиб билмаганларимизни сўраб, сайловнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етдик. Аҳолига уни етказишда сайлов комиссиясига яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз.

— Мен Президент сайловида иштирок этиб, ўзимнинг конституциявий бурчимни ихлос билан бажармоқчиман, — дейди Ат-Термизий маҳалласида яшовчи пенсионер Адиба Камолова. — Бунинг учун ушбу сайлов участкасига келиб, сайлов ҳақидаги қонунларни, унинг мазмун-моҳиятини ўргандим. Номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим. Бунда менга комиссия аъзолари катта ёрдам беришди.

— Президент сайлови мамлакатда демократиянинг қанчалик қарор топгани, фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини белгилаб берадиган муҳим сиёсий жараён,— дейди «Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Равшан Машарипов. — Комиссия аъзолари билан биргаликда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказдик, соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда учрашувлар ташкил этиб, аҳолини қизиқтирган барча саволларига жавоб берилди. Мухтасар қилиб айтганда ҳудудимизда рўйхатга олинган сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча шароитлар яратилган.

Шоира МУҲАМЕДОВА

29 март — сайлов куни

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС

Ўзбекистон Республикасининг бош стратегик мақсади бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ривожланиш тажрибаси ва андозасидан нусха кўчирмасдан, уларнинг яшаш ва сифат даражасига эришишга, миллати, дини ва эътиқодларидан қатъи назар, ҳар бир инсон учун барча ҳуқуқлар ва эркинликлар, фаровонлик ва муносиб ҳаёт кечириш кафолатланадиган мамлакатнинг демократик ривожланишини таъминлашга интилмоқда. Айни вақтда, Ўзбекистон ўзининг асл тарихий анъаналари ва миллий қадриятларига содиқ қолаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг асосий принциплари ва йўналишларини, давлат ҳокимияти олий органларининг ваколатлари ва фаолият шаклларини белгилайди, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг зарурий ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаган.

Мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий принципи биринчи даражали аҳамият касб этади. У давлат ишларини бошқаришнинг мақсади ва негизи бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин, яъни ўз ваколатларини тўғридан-тўғри амалга ошириш учун ваколат фақат парламент ва Президентга берилади, чунки улар бевосита халқ томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

«Президент» тушунчаси конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат бошлиғи деган маънони англатади. Жаҳон давлат-ҳуқуқий амалиётида мазкур институт айнан шунинг учун яратилган. Унинг ушбу роли ҳозирги вақтда Президент мавжуд бўлган ҳар қандай демократик республикага хосдир. Давлатни жипслаштириш, яъни давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш Президентнинг бурчидир. Ҳозирги вақтда жаҳонда президентлик институти давлат қурилишининг ажралмас таркибий элементи ҳисобланади: 140 дан зиёд мамлакатда президент лавозими таъсис этилган. Давлат бошлиғи конституциявий-ҳуқуқий мақоми унинг давлат ҳокимияти тизимининг ягоналиги ва барқарорлигини, уч мустақил тармоқ – қонунчилик, ижроия ва судга бўлиниш шароитларида унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги ваколатлари ҳажмини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун БМТ халқаро ҳужжатлари (1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1996 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт), ЕХҲТ ҳужжатлари, шу жумладан ЕХҲК Инсон мезони бўйича конференцияси Копенгаген йиғилишининг Ҳужжати (1990 йил 29 июнь)да назарда тутилган демократик сайлов стандартларига тўла мос келади. ЕХҲТга аъзо давлат сифатида, Ўзбекистон Республикаси «ўз фуқароларининг мамлакатни бошқаришда бевосита ёки улар ҳалол сайлов жараёнида эркин сайлайдиган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқини ҳурмат қилади».

Халқаро мажбуриятларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида:

— Конституция ва қонунларда белгиланган оқилона муддатларда эркин сайловлар ўтказилади;

— фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланади;

— яширин овоз бериш таъминланади, унинг натижалари матбуотда эълон қилинади;

— фуқароларга шахсан ўзи, сиёсий партия ёки бошқа ташкилот вакили сифатида сиёсий ёки давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи берилади;

— сиёсий партиялар ўртасида кураш учун юридик кафолатлар қонун олдида тенглик асосида таъминланади;

— сайлов кампаниясини эркинлик ва ҳалоллик, номзодлар ва сайловчилар ўз нуқтаи назарлари ва баҳоларини эркин баён этишлари, уларнинг монеликсиз муҳокамаси ва эркин овоз бериш муҳитида ўтказиш учун шароитлар яратилади;

— сиёсий партиялар ва сайловчилар учун оммавий ахборот воситаларида монеликсиз иштирок этиш имконияти таъминланади;

— сайловда миллий ва чет эллик кузатувчилар ҳозир бўлиши назарда тутилади.

Сайлов ҳуқуқининг мазкур умумэътироф этилган принциплари 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда ҳам мустаҳкамланган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун нормалари (мазмуни) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга ошириш, фуқароларнинг бошқа муҳим ҳуқуқлари – давлат идораларига шикоят ва аризалар билан мурожаат этиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига, ўз ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ, деган хулосага келиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини яхши билиш фуқароларга 2015 йил 29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ва юқорида кўрсатилган ҳуқуқларни амалга ошириш имконини беради.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

12 март куни депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисининг илгари тасдиқланган кун тартибидаги масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Парламент қуйи палатаси аъзолари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, шунингдек, 2015 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури муҳокамасидан бошлади.

Тайёрланган Дастур лойиҳаси дастлабки тарзда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, шунингдек, парламент қуйи палатаси қўмиталарининг мажлисларида экспертлар иштирокида муҳокама қилиниб, келиб тушган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, такомилига етказилган эди.

Фракциялар Дастурни тайёрлаш ва тасдиқлаш ишларида иштирок этишда унга сиёсий партиялар сайловолди дастурлари қоидалари нуқтаи назаридан устувор бўлган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти тадбирларини киритишга алоҳида эътибор қаратдилар. Улар Қонунчилик палатасининг якин ва ўрта муддатли фаолияти истиқболини белгилайдиган дастурий ҳужжатда ўз электорати манфаатлари, сайловолди ғоялари тўлиқроқ акс этишига ҳаракат қилдилар.

– Макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш тарафдори бўлган партиямиз фракцияси қонун ижодкорлиги режасига таклифлар киритди, – **деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Р.Ҳакимов.** – Фракция ташаббуси билан Дастурга хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг тўлалигича эркин ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини, хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиши механизмларини янада такомиллаштиришни ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмларни назарда тутувчи масалалар ҳам киритилган бўлиб, булар хусусий мулкни ва мулкдорлар ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини сезиларли равишда кучайтиришга хизмат қилади.

– Кўриб чиқилаётган Дастурнинг барқарор миллий тараққиётни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий бойликларни, Ўзбекистоннинг бой тарихий меросини сақлаш ва кўпайтириш билан боғлиқ бўлимлари партиямиз сайловолди дастури устуворликлари нуқтаи назаридан биз учун муҳим йўналишлар ҳисобланади, – **деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси А.Раҳмонов.** – Фракциямиз аъзоларининг фикрича, фуқаролик жамияти институтларини, мустақил ОАВни изчил ривожлантиришга, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган чоралар кўриш зарур. Фракциямиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида республика Президенти томонидан баён қилинган, Дастурнинг ажралмас қисми ҳисобланган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш жараёнига фаол киришиб кетди. Улар орасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Телерадиокўрсатувлар ва эшиттиришлар тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари ҳам ўрин олган.

– Партиямиз бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг муносиб даражасига эга иш ўринларини яратилган корхоналарга аҳолини ишга жойлаштиришни таъминлашни ўз фаолиятининг устувор йўналиши деб ҳисоблашини инобатга олган ҳолда, биз чоратадбирлар Дастурига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим ҳисобланган йўналишлар киритилишининг тарафдори бўлдик, – **деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Р.Комилов.** – Масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йилда иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўрсаткичларининг жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиш фракциямиз аъзолари ташаббуси билан ташкил этилади. Биз янги иш ўринларини яратишга имкон берадиган қонун ҳужжатларини, хусусан, «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳамда бошқа қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ҳам режалаштирганмиз.

– Иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг инновацион ривожланиши тарафдори бўлган фракциямиз ҳам Дастурни ишлаб чиқиш ва унга мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбирларни киритиш жараёнларида фаол қатнашди, – **деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси А.Шодмонов.** – Хусусан, биз «Қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этамиз. Қонун республикамизда қайта тикланадиган энергия манбаларининг таъсирчан инфратузилмасини яратишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган. Фракциямиз депутатлари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг Ўзбекистонда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш истиқболлари тўғрисидаги ахборотини эшитишни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ҳам электораримиз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилади.

– Қабул қилинадиган Дастурда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш манфаатлари кенг акс эттирилган, – **деди Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси А.Курбонов.** – Гуруҳимиз аъзолари томонидан парламент қуйи палатаси фаолияти дастурига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим қонун ҳужжатларини киритиш таклиф этилди. Хусусан, шу йилнинг ўзида «Аҳолининг санитария-эпидемиологик масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, янги таҳрирдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ва бошқа шу каби қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш назарда тутилган.

Умуман олганда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги вазифаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Дастур миллий парламентимиз фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган. Дастурда таклиф этилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, у демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Депутатлар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ишлашга тўғри келишини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Улар хориж ҳуқуқий амалиётини ҳар томонлама ва чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилаш, қонун лойиҳалари давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида муҳокама этилишини ташкил қилиш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, давлат бошқаруви органлари фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш борасидаги муҳим давлат дастурлари ижроси устидан парламент назоратини сифат жиҳатидан яхшилаш Қонунчилик палатасининг келгусидаги фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши лозимлиги билдирилди. Муҳокама чоғида мамлакатимизнинг ягона қонун чиқарувчи органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарасини оширишга қаратилган таклифлар ҳам баён этилди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мазкур Дастурни тасдиқлади.

Шундан сўнг депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Муҳокама **«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси**ни иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошланди. Қонун лойиҳаси аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ҳужжат фақат сифатли йодланган ош тузи билан таъминлаш орқали аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва уларни камайтиришни назарда тутади.

Мажлис кун тартибига, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда киритилди. Хусусан, **«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга, уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, қонун ҳужжатларига виждонан риоя этаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувларни қисқартиришга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кун тартибидаги кейинги масала бўлди. Ҳужжат ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг очиқлигини ошириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилашни кўзда тутади. Тузатишлар тегишли давлат хизматлари кўрсатилиши учун аризачилар тақдим этадиган рўйхатдан ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари чиқариб ташланишини назарда тутади. Тузатишлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларга киритилмоқда.

Депутатлар нодавлат таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси**ни ҳам муҳокама этдилар.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Бектемир тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида.ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (М.Турсунов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Бектемир туман тармоқ администратори (У.Тошбоев):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.bektemir@toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 9 январдаги «Бектемир туманида 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 10-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Саидмахмудов зиммасига юклансин.

Бектемир тумани ҳокими
С.Махаметов

2015 йил 15 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



Наврўз — 2015

Қишнинг изғиринли ва аёзли кунлари ортда қолиб, кўкда қуёшбобо заррин нурларини чарақлаб сочиб турибди. Кўчага чиқиб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олсангиз, аллақандай таниш ва ёқимли ҳид димоғингизга урилиб, дилингиз яйрайди, қалбингиз қувончу завққа тўлади.

ҚАДАМЛАРИ ҚУТЛУҒ, НАВРЎЗИМ!

Ҳа, бу таниш ҳид — майсалар, гулу райҳонларнинг ифори. Офтобнинг илиқ тафти, қиш уйқусида мудраб ётган она табиатнинг ғаройиб мўъжизаси — бойчечакнинг ён-атрофга садафдек сочилиши, қушларнинг чуғурлашиюв қўшни аёлларнинг дош қозонда пишираётган сумалак ислари, жажжи ширинтойларнинг бир олам қувончи... Буларнинг бари — фасллар келинчаги гўзал баҳор кириб келганидан, дилларга янги умид, орзулар солиб юртимизга шарқона янги йил дебочаси Наврўзи олам ташриф буюраётганидан дарак.

Юртимиздаги ҳар бир манзил, ҳар бир хонадонда байрамона кайфият, шодлик ҳукмрон. Каттаю кичик бир-бирини қутлаб, эзгу тилаклар изҳор этмоқда. Зангори осмонда оппоқ варракларни учираётган болалар, толбаргак тақиб, қошларига ўсма қўяётган қизалоқлар севинчи оламга сиғмайди. Табиатнинг уйғониш саси — шўх ирмоқлар ва ариқларда оқаётган сувларнинг шилдираши, боғлардаги булбул навоси оромбахш куйларга қўшилиб, инсонлар қалбига меҳр-оқибат, эзгу ниятларни армуғон айламоқда.

Баҳор фасли ўзининг мафтункор байрамларга бойлиги билан ҳам гўзалдир. Нафосатга бой халқаро хотин-қизлар куни баҳорнинг илк айёми. Наврўз эса ўзида қадимий анъана ва урф-одатларимиз, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиши билан ажралиб туради. Бир неча минг йиллик тарихга эга ушбу байрам аждодларимиз томонидан шарқона «Янги йил» сифатида кенг нишонлаб келинган. Деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёналарида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда.

— Кўп асрлар давомида хурофотга берилган кимсалар Шарқ халқларининг умумий байрами Наврўзни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо Наврўз барҳаётлигича қолаверди, қайта тирилаверди, — дейди Учтепа туманидаги Хондамир номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирсолиҳ Сагатов. — Ота-боболаримиз ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто яширинча бўлса-да, Наврўзни нишонлаганлар, байрамга хос удумларни адо этганлар. Наврўз аслида табиатнинг ўзидан келиб чиққан, кун ва тун тенглашгач, кунларнинг узайиши ва узлуксиз меҳнат бошланишидан дарак берувчи байрамдир. Мустақиллик туфайли Наврўз янада гўзаллашиб, янгиланиш ва яшариш айёмига айланди. Маҳалла фуқаролар йиғинимизда 11 та кўча мавжуд бўлиб, аллақачон ҳудудимизда айём муносабати билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Наврўз арафасида ҳудуддаги қабристонлар таъмирланмоқда. Ёшлар томонидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, ёлғиз яшовчи, қаровчиси йўқ кексаларнинг уйлари таъмирлаб берилмоқда. Кувонарлиси, маҳалла фуқаролар йиғинимиз ташаббуси билан ҳудудда яшовчи аҳоли ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмонан имконияти чекланган, қаровчисиз оилаларнинг коммунал тўловлари тўлаб берилмоқда. Бундай эзгу ташаббусларнинг замирида меҳр-оқибат, инсонларга ғамхўрлик, олижаноблик фазилатлари мужассам. Демак, Наврўз нафақат яшариш, янгиланиш, балки эзгулик, меҳр-оқибат байрами ҳамдир.

